

**А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИНИ
ЎРГАНИШ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.28/3012.2019.Ped.68.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИНИ
ЎРГАНИШ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

НИЗАМОВА ШОИРА ИСАМИДДИНОВНА

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБ ДИРЕКТОРЛАРИ ИҚТИСОДИЙ
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИ**

13.00.07 – Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

УДК: 37.091.33:005.336.2

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PHD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PHD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract the doctor of philosophy (PHD) on
pedagogical sciences**

Низамова Шоира Исамиддиновна

Умумий ўрта таълим мактаб директорлари иқтисодий компетентлигини
ривожлантириш механизми3

Низамова Шаира Исамиддиновна

Развитие механизма экономической компетентности директоров средних
общеобразовательных школ.....21

Nizamova Shoira Isamiddinovna

Improving the mechanism of economic integration competence of Directors in
General educational schools.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works45

**А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИНИ
ЎРГАНИШ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.28/3012.2019.Ped.68.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИНИ
ЎРГАНИШ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

НИЗАМОВА ШОИРА ИСАМИДДИНОВНА

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБ ДИРЕКТОРЛАРИ ИҚТИСОДИЙ
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИ**

13.00.07 – Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Ped510 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси А.Авлоний номидаги Халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.avloniy.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шарипова Дилара Джуманиязовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қурбонов Шавкат Эргашевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Нуримбетов Равшан Ибрагимович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси А.Авлоний номидаги Халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28/3012.2019.Ped.68.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “19” май соат 10³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Зиё кўчаси, 6-уй. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69; e-mail: avloniy@xtv.uz)

Диссертация билан А.Авлоний номидаги Халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Зиё кўчаси, 6-уй. Тел.: Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69;

Диссертация автореферати 2021 йил “6” май кунни тарқатилди.
(2021 йил “6” май да 21 - рақамли реестр баённомаси).



М.А.Юлдашев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ф.Э.Каримов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
с.ф.д., доцент

Ш.И.Пахрутдинов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, с.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида таълим муассасаларида сифатли таълим хизматларига бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши, таълим ташкилотлари раҳбарларининг бошқарув компетенцияларини ривожлантириш заруратини юзага келтирмоқда. Мазкур зарурат умумий ўрта таълим тизимида рақобат муҳитини ривожлантириш вазифасини қўяди. Шундан келиб чиқиб, дунёнинг таълим тизими ривожланган давлатларида умумий ўрта таълимда соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш механизмлари жорий этилмоқда.

Ҳозирги бозор муносабатлари шароитида дунёда таълим сифатини оширишга қаратилган илмий тадқиқотларда таълим ташкилотлари бошқарув ходимлари фаолиятида маркетинг-тадбиркорлик, иқтисодий-ҳуқуқий ва ахборот-таҳлилий компетенцияларини ривожлантиришга устуворлик берилмоқда. Мазкур тадқиқотлар таълим ташкилотлари раҳбар ходимларининг бошқарув ва иқтисодий компетенцияларини ривожлантириш орқали сифатли умумий ўрта таълимни ташкил этиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган.

Янги Ўзбекистон шароитида умумий ўрта таълим сифатини оширишга қаратилган ислохотлар аҳолининг таълим хизматларига бўлган талабини қамраб олиш даражасини ошириш билан бирга таълим ташкилотлари рақобатбардошлигини оширишга қаратилган. Ислохотларда “бугунги кескин рақобатга бардош бера оладиган миллий таълим тизимини йўлга қўйиш, педагог ходимларнинг касбий маҳорати ва фаолият самарадорлигини мунтазам ошириб бориш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, таълим хизматларини кўрсатиш бўйича хусусий секторнинг салмоғини кенгайтириш, ҳудудларда нодавлат таълим ташкилотларини ташкил этиш орқали рақобат муҳитини шакллантириш, таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш”¹ муҳим вазифа қилиб белгилаб берилган. Мазкур вазифалар таълим ташкилотлари раҳбарларининг бошқарув ва иқтисодий компетентлигини ривожлантириш орқали таълим сифатини ошириш билан боғлиқ илмий тадқиқотларни олиб боришни кун тартибига қўймоқда. Шу нуқтаи назардан, мактаб директорларининг иқтисодий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 январдаги ПҚ-4963-сон “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон «Ўзбекистоннинг янги тараккиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони.

узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2021 йил 11 февралдаги 10-сон баёнида белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида ва самарали бажариш бўйича Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2021 йил 15 февралдаги 37-сонли буйруқ диссертацияда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ҳуқуқий-меъёрий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада таълим тизимини бошқариш, раҳбар ва педагог кадрларнинг бошқарув компетентлигини ривожлантириш, уларни касбий фаолиятга тайёрлаш билан боғлиқ муаммолар республикамиз олимларидан Р.Аҳлиддинов, Р.Жураев, У.Иноятов, Ш.Қурбонов, Э.Сейтхалилов, С.Турғуновлар ишларида ўрганилган. Таълими тизими ходимларининг фаолияти, уларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, таълим сифати менежменти такомиллаштириш бўйича У.Бегимқулов, М.Мирқосимов, М.Мирсолиева, Ж.Ғ.Йўлдошев, М.Юлдашев томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Халқ таълим соҳасида раҳбар ва педагог ходимларнинг бошқариш компетентлигини такомиллаштириш масалалари Н.Аҳмедова, М.Аҳмедов, Д.Маматқулов, М.Пардаева, Д.Темиров, Д.Ҳакимоваларнинг илмий ишларида ёритиб берилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) олимларидан таълимдаги иқтисодий муаммолар М.Левицкий, А.Марков, Т.Третьякова, таълим соҳасидаги мутахассисларнинг иқтисодий тайёргарлиги А.Вифлеемский, Д.Бочков, Ю.Татур, В.Щетинин, иқтисодий фаолиятнинг илмий асослари Л.Бляхман, Т.Шамовалар томонидан тадқиқ этилган.

P.Gutman, S.Fletcher, P.Drucker, K.L.Keller, N.Roberto, P.W.Farris, M.Y.Porter, C.Christensen каби хорижлик олимлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли соҳаларида стратегик бошқарувнинг назарий асослари, бошқарувга инновацияларни жорий этиш, раҳбарлик маҳорати, раҳбарнинг шахсий ва касбий сифатларни ривожлантиришнинг илмий-методологик асослари ўрганилган.

Мавжуд таҳлиллар шуни кўрсатадики, таълим сифатини ошириш борасида бир қатор тадқиқотлар олиб борилаётган бўлсада, бугунги кунда умумий ўрта таълим мактаб директорлари томонидан бошқаришда молиявий масалалардаги камчиликлар, мавжуд имкониятлардан мақсадли ва муддатли фойдаланишдаги хатоликлар, ишчи ходимларни рағбатлаштиришда мотивациянинг йўқлиги, қонун доирасида иқтисодий масалаларни ҳал

этишдаги муаммолар таълим тизимида янги турдаги таълим муассасалари ва рақобат муҳитини юзага келишини тадқиқ этувчи мавжуд механизмни такомиллаштириш долзарблигини кўрсатмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий ташкилотнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти А.Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институтининг “Халқ таълими тизимида раҳбар кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш бўйича илмий асосланган самарали механизмларни жорий этиш зарурати” номли илмий-тадқиқот йўналишига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: умумий ўрта таълим мактаб директорлари иқтисодий компетентлигини ривожлантириш механизмини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

умумий ўрта таълим мактаб директорларининг бошқарув самарадорлигини таъминлашда “иқтисодий компетентлик” тушунчаси мазмунини илмий-педагогик жиҳатдан асослаш;

умумий ўрта таълим мактаб директорларининг бошқарув самарадорлигини иқтисодий омиллар таъсири ва малака талаблари асосида (касбий-бошқарув, иқтисодий-ҳуқуқий) таҳлил қилиш;

умумий ўрта таълим мактаб директори иқтисодий компетентлигини ривожлантириш мезонларини аниқлаштириш;

умумий ўрта таълим мактаб директорлари иқтисодий компетентлигини ривожлантириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумий ўрта таълим мактаб директорларининг бошқарув компетентлиги самарасини ошириш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети умумий ўрта таълим мактаб директорларининг иқтисодий компетентлигини ривожлантириш жараёнини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда мавзуга доир методик адабиётлар таҳлили, илғор хорижий ва маҳаллий педагогик тажрибалар, педагогик кузатув, сўров ва тест синовлари, таққослаш ҳамда тажриба-синов ишлари, қиёсий ва математик-статистик таҳлил, умумлаштириш каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим мактаб директорларининг бошқарув компетенцияларини шакллантириш механизмлари мустақил касбий ривожланиш тамойилига асосланган муқобил малака ошириш шаклини жорий этиш орқали такомиллаштирилган;

умумий ўрта таълим мактаб директорларининг иқтисодий компетентлиги касбий ривожланиш таълимига интеграциялашган меҳнат фаолияти асосида мустақил равишда шаклланиши ва ривожланиши (Сирдарё ва Тошкент шаҳридаги 20 нафар мактаб директори мисолида) асослаб берилган;

умумий ўрта таълим мактаблари директорларининг иқтисодий

компетентлигини аниқлаш механизмлари ўқувчи ёшларнинг ўқув муваффақиятлари, мактабдаги ишчанлик муҳити даражаси мезонларини киритиш асосида такомиллаштирилган;

умумий ўрта таълим мактаблари директорларининг иқтисодий компетентлигини ривожлантириш механизмлари давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида тажриба алмашувининг стажировка ва малакавий амалиёт шакллари жорий этиш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

умумий ўрта таълим мактаб директорларига мақсадли ўқув курслари машғулотида таълим эҳтиёжларига асосланган давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабларни ташкил этишнинг афзалликлари тўғрисида маълумот берилган;

умумий ўрта таълим мактаб директорлари иқтисодий компетентлигини ривожлантириш, стратегик иқтисодий вазифаларнинг амалга оширилиши “иқтисодий маданият”нинг шаклланиши ҳақида мақсадли курсларда тингловчиларга маълумот берилган;

таълим хизматлари бозорида қўшимча маблағ топиш имкониятлари билан таништирилди, умумий ўрта таълим мактаб директорлари иқтисодий компетентлигини ривожлантириш мақсадида педагогик шарт-шароитлар ўрганилди ҳамда иқтисодий компетентликни ривожлантириш модели яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган қиёсий таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлиги ва уларнинг математик-статистик таҳлил натижасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган модел, механизм ва умумий ўрта таълим муассасаларининг бошқарув жараёнига компетенциявий ёндашувни жорий этиш, раҳбар ходимлар иқтисодий компетентлигини ривожлантириш, олинган билим, кўникма ва малакаларини тизимли таҳлил қилиш орқали изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий жиҳати шундаки, умумий ўрта таълим мактаб директорлари иқтисодий компетентлиги давлат ва нодавлат мактабларни бошқаришдаги иқтисодий фаолиятини қиёслаш асосида ўрганилган. Тақдим этилган тавсия ва таклифлар халқ таълими тизимида мактаб директорлари малакасини ошириш сифатли ўқув машғулотларини ташкил этишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумий ўрта таълим мактаб директорлари иқтисодий компетентлигини ривожлантириш механизми такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

умумий ўрта таълим мактаб директорларининг бошқарув компетенцияларини шакллантириш механизмлари мустақил касбий ривожланиш тамойилига асосланган муқобил малака ошириш шаклини жорий этиш орқали такомиллаштирилган (*Халқ таълими вазирининг 2021 йил 1 июлдаги №03-02/3-1859-сон маълумотномаси*). Натижада Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларининг тайёргарлиги ва компетентлигига қўйиладиган давлат талаблари Миллий малакалар рамкасида берилган тузилмаларга мос иқтисодий-молиявий компетентлик кўрсаткичлари мазмуни такомиллаштирилган;

умумий ўрта таълим мактаб директорларининг иқтисодий компетентлиги касбий ривожланиш таълимига интеграциялашган меҳнат фаолияти асосида мустақил равишда шаклланиши ва ривожланиши (Сирдарё ва Тошкент шаҳридаги 20 нафар мактаб директори мисолида) асослаб берилган (*Халқ таълими вазирининг 2021 йил 1 июлдаги №03-02/3-1859-сон маълумотномаси*). Натижада мактаб директорида таълим муассасасининг молия-хўжалик фаолиятига оид меъёрий ҳужжатларни тушуниш ва уларни амалиётда қўллаш олиш кўникмалари шакллантирилган;

умумий ўрта таълим мактаблари директорларининг иқтисодий компетентлигини аниқлаш механизмлари ўқувчи ёшларнинг ўқув муваффақиятлари, мактабдаги ишчанлик муҳити даражаси мезонларини киритишдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сон «Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 апрелдаги № 343-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим муассасаларида пуллик таълим хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида” қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (*Халқ таълими вазирининг 2021 йил 1 июлдаги №03-02/3-1859-сон маълумотномаси*). Натижада мактаб директорлари учун муассасани бошқаришда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш учун тавсиялар ишлаб чиқилган;

умумий ўрта таълим мактаблари директорларининг иқтисодий компетентлигини ривожлантириш механизмлари давлат ва нодавлат таълим муассасалари ўртасида тажриба алмашувининг стажировка ва малакавий амалиёт шакллари жорий этиш орқали такомиллаштирилган (*Халқ таълими вазирининг 2021 йил 1 июлдаги №03-02/3-1859-сон маълумотномаси*). Натижада мактаб директорлари иқтисодий фаолияти самарадорлигини аниқлаш мезонлари бошқаришни лойиҳалаштириш, мотивация ва ўзаро ишонч, ҳамкорлик муҳитини яратиш, мониторингни амалга ошириш орқали ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан жами 21 та илмий иш чоп этилган, 1 та методик қўлланма, Ўзбекистон Республика Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 та республика, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, 8 параграф, умумий хулосалар, фойдаланган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 137 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Умумтаълим мактаб директорлари иқтисодий компетентлигини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланиб, унда ўқув-тарбия жараёнига бошқарувнинг замонавий механизмларини жорий этиш, мактаб директорининг лавозим мажбуриятлари, бошқаришни ташкил этишдаги маҳорати ҳақида фикр юритилади. Шу билан бирга таълим муассасалари моддий-техник ҳолатини яхшилаш, таълим тизимини такомиллаштириш юзасидан халқаро тажрибалар ўрганилган. Хорижий давлатларда олиб борилган илмий тадқиқотларда мактабларини бошқаришнинг мазмун-моҳияти, мактаб директорлари менежерлик фаолиятида иқтисодий компетентликнинг ўрни, таълим жараёнини сифатли ташкил этишда танланган мақсад билан эришилган натижаларнинг мослиги аниқланган.

Жаҳон Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (www.oecd.org) *лойиҳаси* (TALIS), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор Ривожланиш Мақсадларидан бири бўлган “Сифатли таълим” дастурининг 4.1-вазифасида 2030 йилгача бошланғич ва умумий ўрта таълимни ўқитишда самарали натижаларига эришишни таъминлайдиган янги сифат босқичига кўтариш белгиланган. 17.6-вазифасида: таълим тизимида ислохотларини амалга ошириш орқали раҳбар ва педагог кадрларнинг инновацион ва тадбиркорлик компетентлигини ривожлантириш механизмини яратиш йўллари кўрсатиб ўтилган. 2015 йил 21 майда бўлиб ўтган халқаро Инчхон декларацияси “Таълим-2030”нинг 3-бўлим 82-бандида давлат таълимини мустаҳкамлаш учун хусусий сектор, хайрия жамғармаларнинг тажрибалари, бошқарув жараёнини ташкил этишга инновацион ёндашувлар, манфаатдор ҳамкорлик орқали таълимда бошқарувни такомиллаштириш,

инвестициялар, халқ таълими учун қўшимча ресурсларни жалб қилиш, солиқларнинг адолатли улушини тўлаш ва мавжуд ресурслардан фойдаланишнинг устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Бугун таълим соҳасида мавжуд бўлган молиявий муаммоларни бартараф этиш мақсадида, тизимдаги тегишли ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш орқали таълим сифатини юқори даражага кўтариш, педагог ходимларни ижтимоий ҳимоялаш борасида ислохотлар амалга оширилмоқда.

Таълим ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлашда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, таълим ташкилотларини бошқариш жараёнида молиявий муаммоларни ҳал этиш, таълим-тарбия жараёнини эргономик асосда ташкил этиш таълим самарадорлигининг ошишига хизмат қилади. Таълим ташкилотининг моддий техник таъминотини мустақамлаш мактаб директорининг бошқариш маҳоратига ва иқтисодий билими асосида амалга оширилади.

Олиб борган тадқиқотимизда иқтисодий компетентлик даражасини (“иқтисодий саводхонлик”, ”иқтисодий компетентлик”, “иқтисодий маданият”) давлат ва нодавлат мактаблари директорларининг бошқарув фаолияти ҳамда мактаблардаги имкониятдан келиб чиқиб қиёсий таҳлил қилинди. Мактаб директорларининг иқтисодий компетентлигини давлат ва нодавлат мактабларида таълим хизматларини тўғри йўлга қўйиш, бюджет маблағларидан тўғри фойдаланиш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилишни босқичма-босқич ошириб бориш соҳалари бўйича ўрганилди.

Бошқариш компетенциясининг маркетинг-тадбиркорлик, иқтисодий-ҳуқуқий компетенциялардан иборатлиги аниқланди.

Таълим тизимини ислох қилиш концепциясида белгиланган вазифалар таълим хизматлари бозорини шакллантириш, таълим ташкилоти мақомини ўзгартириш, уларнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш имконини бериб, бу раҳбарга бошқарувни мустақил касбий ривожланиш тамойилига асосланган ҳолда ташкил этиш талабини қўяди. Бу эса таълим соҳасида иқтисодий инновацияларни қўллаб-қувватлаш, малакали мутахассисларни рағбатлантириш асосида сифатли таълим муҳитини юзага келтиради. Жамиятимизда таълим хизматларига бўлган эҳтиёж ортиб бориши умумий ўрта таълим мактаб директорларининг иқтисодий компетентлигини ривожлантириш зарурлигини билдиради. Тадқиқот давомида раҳбарларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёни илмий таҳлил этилиб, иқтисодий компетентлигини шакллантириш мазмуни, усуллари, шакллари ва воситалари аниқланиб, умумий ўрта таълим мактаблари директорларининг иқтисодий компетентлигини давлат ва нодавлат мактабларда директорларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини юритишдаги фарқли жиҳатлар ва таълим сифатига таъсир этувчи омиллари асосида ўрганилди.

Тадқиқот ишида хорижий давлатлар АҚШ, Сингапур, Хитой иқтисодида юз бераётган ўзгаришлар натижасида жамиятда иқтисодий билимларга бўлган эҳтиёж ортиб бориши тўғрисидаги илмий фаразлар ўрганилди. Экспертларнинг фикрича, сифатли таълимга талабнинг ортиши

соҳада салоҳиятли кадрларга бўлган талабни орттиради. Натижада мактабларда ижодий таълим муҳити юзага келади ва таълим соҳасида рақобатдош мактаблар пайдо бўлади. Ижодий таълим муҳити яратилиб, унда ўқув-тарбия жараёнининг натижадорлиги таъминланади.

Иқтисодий компетентлик иқтисодий маданиятни шакллантиради. “Иқтисодий маданият” тушунчасини шахс томонидан назарий ва амалий иқтисодий билимларнинг юқори даражасида намоён бўлишидир. Иқтисодий фаолият, албатта, жамиятда шаклланган иқтисодий маданиятга таянади. Янги давр педагоглари тарбиялаш, педагогик жараёнга инновацион таълим технологияларини жорий этиш, таълим сифатини яхшилаш мақсадида ҳамкорликни йўлга қўйиш, ижодкор ўқитувчи ва ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш, тажрибали мураббийларни қадрлаш мактаб директорининг иқтисодий маданиятини билдиради.

Иқтисодий маданият бу хўжалик юритишда хусусий мулкка ва иқтисодий муваффақиятга ҳурмат, тадбиркорлик соҳасидаги ижтимоий муҳитнинг ривожланиши ва унга нисбатан барқарор муносабатнинг кўринишидир.

Иқтисодий компетент мактаб директори бошқариш функцияларини бажарар экан, қуйидагиларга эътибор қаратиши зарур:

- мактабни молиялаштириш манбаларини излаб топиш ва кенгайтириш бюджет маблағларидан фойдаланиш, шартнома асосида маблағ топиш, ҳомийлар томонидан ажратилган маблағлардан фойдаланиш, мақсадли йўналтирилган маблағлардан фойдаланиш, қонунчиликда белгиланган тартибда ишлаб чиқариш корхоналари ва хизмат кўрсатувчи тармоқлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- молиявий ресурслардан фойдаланиш ва жараённи бошқара олиш мактабда олиб бориладиган харажатлар ва мактаб сметаларини режалаштириш, тузиш, шакллантириш, тасдиқлаш, мавжуд ички ва ташқи имкониятлардан фойдаланиш;

- молиявий ресурслардан фойдаланишни тўғри ташкил этиш ва назорат мактабнинг ўқув, хўжалик, коммунал тўловларини вақтида амалга ошириш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тартибига амал қилиш, ходимларни рағбатлантириш масалаларини қонунда белгиланган ҳолда ташкил этиш ва юритиш.

Келтирилган вазифалар барчаси мактабни бошқаришда жамиятнинг талабига кўра директорнинг иқтисодий роли ўзгартириб туриши ва иқтисодий фаолиятида иқтисодий-ҳуқуқий билим, малака ва кўникмага эгалигини билдиради. Тадқиқот ишида мактаб директорларининг иқтисодий фаолиятидан келиб чиқиб, иқтисодий компетентлик даражалари, тамойиллари, мезонлари аниқланган.

Хулоса қилиб айтганда, раҳбарнинг иқтисодий компетентлигини ривожлантириш янги иқтисодий шароитга мослаша оладиган, таълим хизматлари бозорида тенг рақобатлаша оладиган мактабларни вужудга келтиради. Сифатли таълим хизматларини кўрсатиш учун мактаблар илм-фан

марказлари ва хорижий давлатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилмас экан, нафақат дунё бозорида, балки ички бозорда ҳам ўз ўрнини йўқотади.

“Умумтаълим мактаб директорлари иқтисодий компетентлигини ривожлантиришнинг амалий-технологик асослари” деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида иқтисодий компетентлик ва уни ривожлантириш йўллари, иқтисодий компетентликни ривожлантиришнинг замонавий технологиялари, таълим муҳитида молиявий ва иқтисодий муносабатларнинг турли шаклларида фойдаланиш, иқтисодий компетентликни ривожлантириш механизмини такомиллаштириш ва молиявий саводхонликка эришишнинг педагогик шарт-шароитлари аниқланган.

“Иқтисодий компетентлик” баъзи манбаларда малакали мутахассисларни жалб этиш, меҳнат бозорининг конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи тўлаш деб берилган. Демак, иқтисодий компетенция иқтисодий ўзгаришлар вақтида зарур бўлган назарий билимлар ва амалий кўникмалардан иборатдир. Иқтисодий билимлар ҳамма вақт муваффақият қозониш, шахсий ривожланиш, фаол фуқаролик, иш билан таъминланишининг асоси бўлиб келган. Бизнинг тадқиқот ишимизда мактаб директорларининг иқтисодий компетентлигини давлат ва нодавлат мактаблардаги бошқарув фаолияти ва мактабнинг имкониятлари, педагог ходимларнинг ишга муносабатини ўрганиш асосида қиёсладик. Иқтисодий вазиятлар таъсирида умумий ўрта таълим мактаблари бозор иқтисодиёти ва рақобат муҳитига мослашади. Рақобат муҳитида ишлаш бошланмас экан, иқтисодий тараққиётга эришиш ортга сурилаверади.

Бу учун халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган раҳбарларнинг малакасини оширишни такомиллаштириш, умумий ўрта таълим мактаб директорларининг бошқариш компетенцияларини ривожлантириш мақсадида мустақил касбий ривожланиш тамойиллари асосидаги муқобил малака оширишни жорий этиш зарур. Малака ошириш амалиёти даврида халқ таълими раҳбар ходимларнинг малака даражаси, билими, илмий-педагогик салоҳияти, иш тажрибаси, психологик тайёргарлиги ва индивидуал касбий ривожланиш траекториясига мос келадиган ўқувлар ташкил этиш зарур.

Тадқиқот ишини олиб боришда мактаб директорларининг бошқаришдаги иқтисодий фаолиятини юзасидан Германия, Сингапур, Хитой тажрибалари ўрганилди. Ўрганишлар натижасида, улардаги мактаб директорларининг иқтисодий фаолиятини ривожлантириш мезонлари тўғрисида хулосалар чиқарилди.

Бразилия ва Хитойда ўқув жараёнида таълим олувчиларга молиявий саводхонликни ошириш юзасидан алоҳида ишлаб чиқилган дастурлар асосида ўқувлар ташкил қилинган. Хорижий тажрибаларни ўрганиш мактабларда мижозларнинг (ота-оналар, ўқувчилар) эҳтиёжлари асосида таълим хизматларини такомиллаштириш йўналишларини белгилайди. Давлат-шериклик асосида ташкил этилган мактабларда таълим бериш турларини танлашда ижтимоий талаблар ва эҳтиёжлар ўрганишидан асосий мақсад

сифатли таълим беришдан иборат.

Тадқиқот жараёнида мактаб директорлари иқтисодий ва молиявий компетентлигини белгиловчи касбий ва хусусий ривожланиш даражаси аниқланди. Жумладан:

- таълим ташкилотининг молия-хўжалик фаолиятига оид меъёрий ҳужжатларни тушуниш ва уларни амалиётда қўллаш олиш;

- ташкилотни бошқаришда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг самарадорлигини таҳлил қила олиш;

- ташкилотда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни юритишнинг таянч билимларига эга эканлигини намойиш қила олиш;

- турларини билиш ва бюджет интизомига риоя этиш;


- янги турдаги нотижорат фондларни ташкил этиш ва мақсадли фойдаланиш.

Мактаб директорларининг иқтисодий компетентлигини тажриба жараёнида сўровномалар, тест, кейс топшириқларини бериш орқали ўрганилди. Олиб борилган таҳлил натижасида, улар билимидаги бўшлиқлар аниқланиб, ташкил этилган мақсадли курсларда эҳтиёжлар асосида ўқувлар ташкил этилди. Таълим ташкилотининг молия-хўжалик фаолиятига оид меъёрий ҳужжатларни тушуниш ва улардан амалиётда фойдаланиш, давлат бюджетига тўланадиган солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, фонд маблағларидан муддатли ва мақсадли фойдаланиш, таълим муассасасини молиялаштириш механизмларини тушунтирилди. Аксарият мактаб директорлари фаолиятида таълим шароитида тадбиркорлик фаолиятидаги тушунмовчилик ва тўсиқлар мавжудлиги аниқланди.

Тадқиқот ишида мактаб директорининг иқтисодий компетентлигини ривожлантиришда фаолиятли, инсонпарварлик, ахборотлаштириш, тенглик, шахсга йўналганлик, тафаккурни ривожлантириш, креативлик, таълимни демократлаштириш, ҳамкорлик, фаоллаштириш, модуллиқ, конструктивлик, умуминсоний кадриятлар устуворлиги, ташаббускорлик ва тадбиркорлик тамойилларидан фойдаланилди.

Тажриба-синов ишларида бюджет ва бюджетдан ташқари харажатларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари натижадорлигини баҳолаш қандай амалга оширилади?, Бюджет ташкилотларида фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан, ижарага беришдан, ҳомийликдан қўшимча даромад олишда қандай имтиёзлар бор? анкета-сўровносида иштирок этган 448 нафар респондентларнинг 91,6 % и аниқ жавоб беришмаган.

Тингловчи-респондентлардан олинган анкета-сўровномалар натижалари таҳлиliga кўра, мактаб директорларининг иқтисодий компетентликни ривожлантириш учун замонавий ёндашувлардан (акмеологик, аксиологик, креативлик, рефлексифлик, технологик, деонтологик, инновацион,) фойдаланилди.



1-расм. Умумтаълим мактаб директорининг иқтисодий компетентлигини ривожлантириш модели

Умумий ўрта таълим мактаб директорлари иқтисодий фаолиятида молия-хўжалик ишларини тўғри олиб бориш ҳамда, молиялаштириш манбаларидан фойдаланишини тажриба жараёнида Сирдарё ва Тошкент

шаҳридаги 20 нафар мактаб директорининг бошқариш фаолияти кузатилди. Diplomat International School, Sehriyo, Genesis Education, Erudite Education School, Жиззах шаҳрида "Jizzakh international school" "Asia School" мактабларининг бутунги кундаги ўзини маблағ билан таъминлаши ҳамда ўзига хос бошқариш фаолияти ўрганилди.

Тадқиқот жараёнида нодавлат мактабларнинг директорлари иқтисодий фаолиятида мақсадли буюртмалар, бюджетдан ташқари маблағлари асосида таълим хизматларини ташкил этиш, молиялаштириш, таълим тизимида грантлар, инвестицияларни жалб этиш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишда ўзига хос бошқарув шаклланганлиги кузатилди.

Тажриба ишлари давомида нодавлат мактабларнинг таълим беришдаги ютуқлари, таълим хизматларини ташкил этиш, таълим соҳасидаги ҳамкорлик ишларини йўлга қўйишдаги иқтисодий имкониятларнинг бошқаришда иқтисодий самарани белгилаши илмий асосланиб, иқтисодий компетентликнинг миқдорий ва сифатий кўрсаткичлари аниқланди. Миқдорий кўрсаткич бажариладиган ишлар учун сарфланадиган вақтни камайтириш билан боғлиқ ҳолатдир.

Меҳнат харажатларини тежаш бўйича маълумотлар киритиш, улар тўғрисида маълумотларни узатиш, ижро интизомини таҳлил қилиш миқдорий кўрсаткичлар ҳисобланади.

Сифат кўрсаткичларга бошқаришда тўғри қарорларини қабул қилиш, иш жараёнидаги шаффофлик, ижро интизомини назорат қилиш учун раҳбар томонидан ишлаб чиқилган механизм, ахборот билан ишлаш сифатини ошириш ва бунинг учун танланган шакл ва усуллар киритилади. Биз тадқиқот жараёнида бошқаришдаги иқтисодий компетентлик самарадорлигини талабнинг эластиклиги билан изоҳладик. Мактаблардаги иқтисодий самарадорликни талаб миқдорининг ўзгаришига боғладик.

$$\text{Талабнинг эластиклиги} = \frac{\text{Талаб миқдорининг \% ўзгариши}}{\text{Нархнинг \% ўзгариши}}$$

Иқтисодий компетентлик раҳбарнинг қўшимча маблағ ва пуллик хизматлар ташкил этишда иқтисодий ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлаши, бошқариш самарадорлигини белгилашда қандай шакллар ва усуллардан фойдаланиши билан боғлиқ. Бошқариш самарадорлигини таъминлайдиган иқтисодий категория сифатида моддий ресурслардан фойдаланиш даражаси олинган. Бошқариш самарадорлигининг ривожланиш даражаси ва динамикаси, бу жараённинг сифат ва миқдорий кўринишида акс этган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бошқаришдаги иқтисодий самарадорлик бу натижага эришиш учун зарур бўлган ресурслар ва харажатлар билан ўлчайдиган нисбий қийматдир. Мактаб директорларининг иқтисодий самарадорлиги иқтисодий компетентлик даражаси билан белгиланади.

Диссертациянинг “Ўзбекистонда умумтаълим мактаб директорлари иқтисодий компетентлиги самарадорлигини ошириш йўллари” номли

учинчи бобида тажриба синовни ташкил этиш, ўтказиш ва унинг таҳлилий натижалари келтирилган.

1. Аниқлаш ва тайёргарлик босқичи. Ушбу босқичда тадқиқотни амалга ошириш режаси тузилди, тажриба-синов майдонлари аниқлаб олинди. Мактаб директорларининг таълим ташкилотларини бошқаришдаги иқтисодий компетентлигини ривожлантиришдаги норматив-ҳуқуқий база, ўқув дастурлар намуналари таҳлил қилинди, фараз шакллантирилди.

2. Амалга ошириш босқичида мактаб директорларининг иқтисодий компетентлигини ривожлантириш модели ишлаб чиқилди ва синовдан ўтказилди. Моделни самарали амалга оширишда педагогик шарт-шароитлар аниқланди, иқтисодий компетентликни ривожлантирувчи технологиялар белгилаб олинди.

3. Якунловчи босқичида тажриба-синов ишлари натижалари сарҳисоб қилинди, якуний диагностик ташхислар ўтказилди, натижалар қайта кўриб чиқилди, тажрибадан ўтказилган маълумотлар тизимлаштирилди ва иш натижалари расмийлаштирилди ва мактаб директорлари иқтисодий компетентлигини ривожлантириш даражаси аниқланди.

1-жадвал

Мактаб директорлари иқтисодий компетентлигини ривожлантириш даражасини аниқлаш кўрсаткичлари (сон ва фоизда)

ХТХҚТМОИ	Гуруҳлар	Тинг Ловчилар сони	Ўзлаштириш даражалари					
			Тажрибадан олдин			Тажрибадан кейин		
			Юқори	Ўрта	Паст	Юқори	Ўрта	Паст
А.Авлоний номидаги ИТИ	Тажриба	125	40 32,0	43 34,4	42 33,6	69 55,2	45 36,0	11 8,8
	Назорат	124	39 31,5	45 36,3	40 32,2	41 33,1	44 35,4	39 31,5
Жиззах ХТХҚТМОҲМ	Тажриба	50	18 36,0	15 30,0	17 34,0	29 58,0	18 36,0	3 6,0
	Назорат	50	16 32,0	18 36,0	16 32,0	18 36,0	17 34,0	15 30,0
Сирдарё ХТХҚТМОҲМ	Тажриба	50	17 34,0	16 32,0	17 34,0	27 54,0	19 38,0	4 8,0
	Назорат	49	16 32,7	17 34,6	16 32,7	17 34,7	17 34,7	15 30,6
Ж а м и:	Тажриба	225	75 33,3	74 32,9	76 33,8	125 55,6	82 36,4	18 8,0
	Назорат	223	71 31,8	80 35,9	72 32,3	76 34,1	78 35,0	69 30,9

Тажриба ишининг қисқача мазмуни қуйидагилардан иборат: иккита бошланғич танлов берилган: тажриба гуруҳидаги тингловчилар билимининг ўртача баллари, назорат гуруҳи тингловчилари билимининг ўртача баллари. Баҳолар нормал тақсимотга эга, деб қабул қиламиз. Бу ҳолатда нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда ва улар бажарилади.

Юқорида келтирилган жадвалга мувофиқ тажриба ва назорат гуруҳларидаги тингловчиларнинг ўзлаштиришлари самарадорлигини кўрсатувчи H_1 гипотеза ва унга зид бўлган H_0 гипотеза танланган.


2-жадвалда тажриба ва назорат гуруҳларининг тажрибагача бўлган натижалари акс эттирилган:

2-жадвал


**Мақтаб директорлари иқтисодий компетентлигини
ривожлантириш даражасини аниқлаш юзасидан тажрибадан олдинги
ўзлаштириш натижалари**

Тажриба-синов ўтказилган вақт	Гуруҳлар	Тингловчилар сони	Ўзлаштириш даражалари		
			Юқори	Ўрта	Паст
Тажрибадан олдин	Тажриба	225	75 33,3	74 32,9	76 33,8
	Назорат	223	71 31,8	80 35,9	72 32,3
Тажрибадан сўнг	Тажриба	225	125 55,6	82 36,4	18 8,0
	Назорат	223	76 34,1	78 35,0	69 30,9

Бу танланмаларга мос келган диаграммалар қуйидагича кўринишни олади:



1-расм. Тажриба бошида



2-расм. Тажриба якунида

